O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 21 IYUL ◆ SHANBA ◆ № 84 (26.786)

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ ЕВРОПАГА ЧИҚДИ



Ўзининг сифати ва бежирим кўриниши билан жаҳон андозаларидан ҳеч ҳам қолишмайдиган Ўзбекистонда чиқарилган автомобиллар чет эллик автомобилсозлик соҳаси мутахассислари томонидан тан олиниб, юқори баҳоларга сазовор бўлмоқда. Ўзбек автомобилларини жаҳон бозорига экспорт қилишга қизиқиш билдираётган чет эл компанияларининг сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг бу соҳадаги янги ҳамкорларидан бири — британиялик «МЕКС Коммодитис» компанияси — ҳозирги кунда «ЎзДЭУавто» билан ҳамкорликда ўзбек автомобилларини Европа, хусусан Буюк Британия ва Британия Ҳамдўстлиги давлатларига экспорт қилиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг автомобилсозлик саноати учун ушбу узоқ муддатли лойиҳа Европа бозорини ўзлаштиришда илк қалдирғоч бўлди десак, муболаға бўлмайди. Ушбу лойиҳани уч босқичда амалга ошириш режалаштирилмоқда.

«МЕКС Коммодитис» компанияси аввалига ривожланаётган мамлакатлар, кейинчалик эса юқори стандартлар қўлланадиган давлатларга, яъни Европа ва Америка мамлакатларига экспорт қилишни мўлжалламоқда. Бу мақсадга эришиш учун экология ва хавфсизлик бўйича Европа стандартларига тўла жавоб берадиган «яшил двигател»ли машиналарни яратишга буюртма бериш кўзда тутилган. Британиялик компания Ўзбекистонда ўнг томон бошқарувли автомобилларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда.

Айни шу кунларда Британиянинг Сатгемптон шаҳридаги «Авто Терминал» тест марказида Ўзбекистоннинг «Дамас», «Нексия» ва «Тико» автомобиллари Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун синовдан ўтказилмоқда.

— «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг маҳсулоти жаҳон автомобиль бозорида катта истиқболларга эга, — деди «МЕКС Коммодитис» компанияси бошқаруви раиси Тони Вестбрук. — Келаси йили компаниямиз 6 мингга яқин автомобиль сотиб олишни кўзда тутмоқда. 2003 йилга келиб эса импорт ҳажмини 30 мингтага етказиш мўлжалланмоқда.

■ **Мардон ЁҚУБОВ,**
«Жаҳон» АА
Лондон.

ХДП ХАБАРИ

МАҚСАД – ПАРТИЯДОШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг қарорига мувофиқ, мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан, партиянинг минтақавий ташкилотлари негизида республика семинар-кенгашлари ўтказилмоқда. Семинарларнинг дастлабкилари 2001 йил июнь ойи охирларида Фарғона водийси вилоятларида ташкил этилган эди.

17-18 июль кунлари Термиз ва Қарши шаҳарларида худди шундай семинар-кенгашлар бўлиб ўтди. Уларда ХДП Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят кенгашлари ижроия бюролари аъзолари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда йирик бошланғич ташкилотлари котиблари, давлат ҳокимияти барча даражадаги вакиллик идораларига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар, партия кенгашлари аппаратлари масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов семинарларда мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 10 йиллиги ва партия ташкилотларининг долзарб вазифалари мавзуида маъруза қилди.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят кенгашлари биринчи котиблари Ҳ. Эрматов ва Ф.Омоновнинг, республиканинг 10 йиллик тўйига тайёргарлик кўришнинг ҳамда партия III қурултойи қарорлари бажарилишининг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди. Марказий Кенгаш масъул ходими С. Усмоновнинг сўзи ички партиявий масалаларга бағишланди.

Семинар-кенгашларда: Термизда — Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Қ. Мадартов қатнашди, Қаршида — Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Н. Ҳакимов сўзга чиқди, ҳоким ўринбосари Д.Холбоева иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



ФАРЗАНДЛАР ҚУВОНЧИ

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

МУСТАҚИЛЛИК ҒУРУР БАХШ ЭТАДИ

Жумақул ЭШМУРОДОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси қидирув бўлими бошлиғи, милиция подполковниги:

Ўз Ватанинг, миллатинг тараққиёти учун яшаш, ишлаш, курашиш имкониятининг ўзи бахт. Мустақиллик бизга ана шу имкониятни яратиб берди. Биз халқимиз узоқ орзу қилган шундай иқболга эришдик. Мен ички ишлар органларида салкам 25 йилдан буён хизмат қилиб келаман. Мустақиллик бу соҳадаги руҳий, маънавий бир кемтикликни тўлдирди. Милиция хизматида миллат ва юрт ҳимоясига қаратилган руҳий уйғунлик шакл топди.

Бизнинг бўлимимиз асосан уч йўналишда — жиноятчиларни излаб топиш, бедарак йўқолганларни топиш ва номаълум марҳумларнинг шахсини аниқлаш билан шуғулланади. Бунда биз кўпроқ матбуот, телевидение ва маҳаллалар билан ишлашни йўлга қўйганмиз.

Жиноят қидирув бўлимининг иши фақат республика миқёси билан чегараланмайди. Чунки кўпгина жиноятчилар содир этган жиноятидан сўнг бошқа мамлакатларга ўтиб кетадилар. Бу эса биздан бошқа давлат ички ишлар ходимлари билан изчил алоқа қилиб туришимизни талаб этади. Тўғри, бу борада мустақилликнинг илк йилларида бироз қийинчиликлар бўлди. Аммо Президентимизнинг Минскдаги МДҲ конвенциясида иштирок этиши ва шу конвенцияда имзоланган битим бу борадаги мураккабликларга барҳам берди. Ҳозир асосан жиноятчиларни излашда, топишда шу битим асосида иш юритамиз. Шунингдек, бизнинг бўлимимиз учун характерли бўлган бир ҳолат бу — маҳаллалар билан яқиндан ҳамкорлик қилишдир. Чунки ҳар қандай, шубҳали номаълум шахс аввало маҳалла одамларининг кўзига ташланади. Албатта, жиноятчи миллат танламайди. Масалан, жиноятни содир этган бошқа миллат вакиллари изларини йўқотиш учун МДҲ мамлакатларига жўнаб қолишади, баъзан шу мамлакат фуқаролигини қабул қилишади. Бу ўз-ўзидан жиноятчини топишда бироз мураккабликлар туғдиради. Бироқ бу жиноятчи қочиб улгурди, дегани эмас.

Яқинда Москва вилоятининг Электростал шаҳарчасида уюшган жиноятчиликда, бандитизмда айбланаётган 1954 йилда туғилган Ряхев Александр қўлга олинди. Бу шахс ўта хавфли жиноятчи бўлиб, у «Дендропарк»даги отишмаларда иштирок этган. Шуниси, ажабланарлики, унинг ёнидан Россия фуқаролигига тегишли иккита паспорт топилган. Ваҳоланки, қидирувга берилган шахс маълум назорат натижаларидан ўтмас экан фуқароликка қабул қилиниши мумкин эмас. Тез кунларда бу хавфли жиноятчи олиб келинади ва қилган жиноятлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ ўз жазосини олади. Шуни қувонч билан таъкидлардимки, мустақиллигимиз туфайли терроризмга қарши кураш ва жиноятчиларни қидириб топишда имконият қирралари янада кенгайди. Хусусан, тўғридан-тўғри «Интерпол» имкониятларидан фойдаланишга йўл очилди. 1994 йил Ўзбекистон «Интерпол» аъзолигига қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошида «Интерпол»нинг миллий маркази бюроси ташкил этилди. Улар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида жиноят қилиб собиқ иттифоқ ҳудудидан чиқиб кетган жиноятчиларни ушлашда батафсил ҳамкорлик қилинмоқда. Терроризмга, жиноятчиликка қарши кураш борасида мустақил давлат сифатида бир нечта халқаро битимлар имзоланди. Бу имкониятларнинг барчаси мустақиллик туфайлидир.

Умуман, ички ишлар хизмати ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифа. Бироқ бу вазифани адо этиш орқали Ватанга, мустақиллик тараққиётига, мустаҳкамлигига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганингни англаш барча машаққатингни енгиллаштиради, ғурур бахш этади.

«ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ»

Республика Бадиий академиясининг кўргазмалар залида Мустақилликнинг ўн йиллигига бағишланган республикамиз вилоятлари фестиваллари ўтказилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан уюштирилган кўргазма бу гал Фарғона вилоятига бағишланди.

Эрта тонгда янграган карнайсурнай садолари барчани кўргазмага чорлади. Тантанани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова очиб, фестивал қатнашчиларини самимий қутлади. Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов сўз олиб, гўзал Фарғона, унинг содда, меҳнаткаш халқи ҳақида сўзлади.

Дарҳақиқат, бугунги Фарғона вилоятининг республикамиз ҳаётида ўзига хос ва мос ўрни бор. Мустақиллик туфайли бу юрт кишилари ҳаёти тубдан ўзгарди, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида буюк ўзгаришлар рўй беряпти. Кўргазма залининг саноатга бағишланган бўлимида Мадрид, Женева ва Англия мамлакатларида юқори сифат, маркетинг, самарадорлик учун халқаро мукофотлар олган «Қувасойцемент» қурилиш маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда Қувасой чинни заводларининг маҳсулотлари, Германия билан ҳамкорликда очилган «O'zsalaman» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган замонавий, сифатли ва кўркам пойабзаллар, Марғилон очиқ турдаги «Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятининг сифатли ва кўркам жилоли шоҳи газламалари, халқ истеъмоли моллари, «Asia-Paints keramik» ўзбек-араб қўшма корхонаси маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

Қўқон шаҳар «Мастона» агросаноат фирмасида тайёрланган турли ичимликлар, «Қувадон» маҳсулотлари акциядорлик жамиятининг «Кукси», «Спагетти», «Қува» ва бошқа 8 турдаги бежирим қадоқланган макарон маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги билан ажралиб турибди.

Маълумки, Фарғона водийси қадимдан ҳунармандлар юрти ҳисобланиб, унда 30 дан ортиқ ҳунар ривож топган. Кўргазма залининг бу бўлимида фарғоналик қўли гул ҳунармандлар — кулоллар, зардўзлар, моҳир заргар ва пичоқчилар, косиблар, бешикчилар, қандолатпазлар тайёрлаган маҳсулотлар намойиш қилинмоқда. Айниқса, кўплаб шогирдлар етиштираётган Ўзбекистон халқ рассоми И. Комилов, «Ташаббус — 2001» совриндори А. Назировнинг тайёрлаган нақшинкор идишлари, З. Ғофуровнинг мисгарлик ҳунари, А. Маъмуровнинг кулолчилик бўйича яратган асарлари барчага манзур бўлди.

Кўргазма намойишларидан шу нарса маълум бўлдики, Фарғона халқи ватанимиз ривожи, гуллаб яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилиб, жаҳон андозаларига мос маҳсулотларни кўпайтирмоқдалар.

■ **Умида МАНСУРОВА**

ИНТЕРНЕТДА СЎНГГИ ХАБАР

САММИТ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

20 июль. Генуя. «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Саммитга биринчи бўлиб Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми етиб келди. Ундан сўнг Буюк Британия сафарини якунлаган АҚШ Президенти Жорш Буш ва бошқа давлат раҳбарлари ташриф буюришди. Энг сўнггида Москва вақти билан 18:15 да Россия Президенти Путин ҳозир бўлди.

Саммит иштирокчилари уч кун мобайнида қашшоқлик муаммолари, СПИД ҳамда сил касалликларининг олдини олиш, иқлим ўзгариш муаммолари, ракетадан мудофаа тизимини яратиш масаласи каби глобал муаммоларини кўриб чиқади.

Олти миллиардга яқинлашаётган ер курраси аҳолисининг салкам икки миллиарди қашшоқ ҳаёт кечираётганлиги, 20 миллондан ортиқ киши СПИД ажалининг қурбонига айлангани, 30 дан ортиқ мамлакат иқлим ўзгариши талафотларни бошидан кечиргани кўрилаётган масалаларнинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Фақат бу муаммоларнинг қанчалик ўз ечимини топишида қолди, холос.

Саммитга аксилглобалистлар ҳам фаол тайёргарлик кўрмоқда.

Италия ҳукумати намойишларга рухсат берди. Фақат тинчлик йўли билан ўтса бас. Шу куннинг ўзидаёқ 35 минг киши норозилик намойишини бошлаб юборди. Полиция намойишчиларнинг ҳар бир ҳаракатини назорат қилиб турибди. Ҳозирча ҳеч қандай жиддий хатарли ҳодиса рўй бергани йўқ.

Аксилглобалистлар саммит кун тартибига қашшоқ мамлакатлар қарзидан кечиш каби ҳаётий муаммоларни қўйишни талаб қилмоқда.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

«УЧАР» «КамАЗ»ЛАР

ёхуд раис Хўжақовдан фуқаролар нега норози?

Боғот туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалигини Эргаш Хўжақов бошқараётганига ончалик кўп бўлмади. Муқаддам қурилиш ташкилотида бошлиқ бўлган Хўжақов ўтган икки йилдан ошиқроқ муддатда қолоқ хўжаликнинг иқтисодий аҳволини ўнглаш борасида бир қадар ишлар қилди. Аммо, бугун раиснинг бошқа жиҳатлари машҳур бўлиб кетди, яъни...

Бир йилдан ошдики, раис Хўжақов устидан норози бўлган фуқароларнинг аризалари турли назорат органларига келиб турибди. Воқеалар-у тафсилотлари жуда қизиқ.

... 1999 йил 5 июль куни шу хўжаликда яшовчи фуқаро, ички ишлар ходими, Журналистлар уюшмаси аъзоси Саъдулла Бобоев раис аризасига кўра ҳибсга олинади. С. Бобоевга «Маст ҳолда раисни хўжалик дала шийпонида ҳақоратлаб, отиш билан қўрқитди...» деган айб тақалади ва суд қарорига (судда бу айб нисбатан «енгиллаштирилди») кўра икки йил озодликдан маҳрум қилинади. Айбдор ўз кўрсатмасида «Мен раиснинг ёнига ўғилларимга иморат қуриш учун жой сўраб боргандим. 1998 йил вилоят ҳуқуқ идоралари нашри — «Муҳофаза» газетасига шикоят ёзилган, уни мухбир ўрганганга, шу иш юзасидан мақола босилган ва раис буғдой ўримидан сўнг жой ўрни ажратиб беришга ваъда қилганди, аммо раис ваъдасида турмади ва орамизда жанжал чиқди, менда ҳеч қандай қурол йўқ эди...» дейди.

Аслида бу ҳукмга эътирозимиз йўқ. Аммо, худди шу воқеадан бир ҳафталар муқаддам хўжаликда «отиш» билан боғлиқ бошқа бир воқеа рўй берган.

Хўжаликнинг 1-бригадасида яшовчи Матёқуб Маткаримов: «1999 йил 27 июнь куни эрталаб соат етти ярим-саккизларда пудрат еримдаги буғдойга ўриш учун комбайн тушганини эшитиб, бордим. У ерда раис муовини Р. Сетниёзов ва хўжалик тафтишчиси Қуронбойлар бор экан. «Менга айтмасдан ўроққа тушибсизлар» дедим. Кейин: «ўримда бир-икки қоп буғдой берасизларми?», деб сўрадим. Чунки, пудрат эгасига иш ҳақи ҳисобидан кўпинча ўрим пайтида буғдой беришарди. Улар: «Омборга олиб боргандан сўнг берамиз» дейишди. Йил ўн икки ой меҳнат қилганим учун бу менга таъсир қилди ва шу ерда ҳаққимни олиб қоламан, деб комбайнчига тўхтаб туришни илтимос қилдим. Шу пайт ўқ овози эшитилди... қарасак раисимиз Эргаш Хўжақов қўлида милтиқ, машинасидан тушиб келяпти. У кела солиб, қўшотар милтиқни қорнимга тираб, «Ҳаммангни отиб ташлайман!» деб сўкиниб, дўқ ура бошлади. «Ҳамманг» дегани шу ерда қўни-қўшнилар, томошаталаб одамлар — кўпчилик эди. Шу вақтда тафтишчи Қуронбой раиснинг қўлидаги милтиқни тортиб олди. Мен қўрққанимдан эс-ҳушимдан айрилгандим. Шу куни пешинда сал ўзимга келиб, туман ички ишлар бўлимига бордим. Бўлим бошлиғига учрашдим, ёзган аризамни бердим. Бошлиқ «Раисни қаматди, деган маломатга қолиб юрманг, ҳозир топиб кечирим сўратаман» деб аризамни олиб қолди. Ҳақиқатан ҳам, эртасига раис шофёри Собур Шарипов орқали мени ёнига олиб, қилмиши учун кечирим сўради...»

Бу воқеа бутун қишлоққа тарқаб кетади. Матёқуб ака «Раис жаҳл устида қилгандир» деб бунга унчалик эътибор бермайди. Аммо, орадан бир ҳафта ўтгач С. Бобоевнинг қамоққа олинганини эшитиб, жаҳли қўзийди. С. Бобоевнинг унга қариндошлиги бор. Энди у ўзининг «ҳаётига хавф солган факт» юзасидан ҳуқуқ органларига ариза ёзади. Лекин, бу ариза ҳамон якунини топганича йўқ. Сабаби, раис фикрича «Аризага қўшимча равишда гувоҳлик берган ўн етти нафар фуқаронинг барчаси М. Маткаримовнинг қариндошлари» эмиш. Бу қонун бўйича бировни айблашга монелик қилармиш. Аммо, «биров келиб мени уради, отиш билан қўрқитади» деб ҳамма вақт ёнингда бегона гувоҳлар билан юрмайсанку.

... 2000 йилнинг 5 сентябрь куни Боғот тумани суди Эргаш Хўжақовнинг шу хўжалик экскаваторчиси Неъмат Саъдуллаевни уриб, енгил тан жароҳати етказгани юзасидан «Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисми билан тўпланган материалларни кўриб чиқиб, шундай қарор қилган;

«...Фуқаро Хўжақов Эргаш ЎзР МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисмига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари (етти минг сўм) миқдорида жаримага тортилсин. Фуқаро Саъдуллаевнинг туман марказий шифохонасида даволанган даврида дори-дармонлар учун сарф қилинган ўн бир минг бир юз эллик сўм фуқаро Хўжақов Эргашдан Саъдуллаев фойдасига ундирилсин...»

Қўлимизда хўжаликнинг 1-бригадасида яшовчи ўн саккиз нафар фуқаро томонидан ёзилган «тендер можароси» бор.

«Бизларга хўжаликнинг 1-бригадаси ҳудудидаги «Пупош карта» даласидан қўшимча ер ажратишган ва деҳқончилик қилиш учун тендерда ер сотиб олгандик. Кейинчалик билсак, бу ер хўжалик ҳисобида эмас, балки «Меърож» фермер хўжалигига тегишли экан. Ерни сотиб олиб, ўтган йили у ерда деҳқончилик қилдик. Энди эса шу можаро чиқди. Бу тартибсизликнинг айбдори ким?»

Оддий фуқароларнинг можародан бошлари қотган. Уларга ер беришган, ҳақини олишган, улар деҳқончилик қилишган. Кейин билишса...

Булар хўжалик раиси Хўжақовнинг фуқаролар билан можароларининг бир қисми. Уни «хўжалик ва халқ мулкини кўп миқдорда ўзлаштирганликда гумонсираб» ариза ёзаётганлар бир «олдиберди»ни рўкач қиладилар. Яъни хўжалик 1999 йилнинг апрель-июнь ойларида Наманган шаҳридаги «Камолтекс» хусусий корхонаси билан ўзаро маҳсулот айрибошлаш қилади. Хўжалик ихтиёрида бўлган беш миллион беш юз саксон тўрт минг бир юз ўттиз сўмлик гуруч, вермишель ва шакар шу хусусий корхонага жўнатилиб, ўрнига аммофос минерал ўғити олинади.

Ана шу айрибошлаш бўйича хўжалик билан «Камолтекс» хусусий корхонаси ўртасида 1999 йил 20 январда тузилган шартнома бор. (Шу ўринда саккиз турдаги истеъмол маҳсулотларини ўзаро айрибош қилиш ҳукумат томонидан тартибга солинганини эслатиб ўтиш керак. Чунки, шакар ва вермишель шундай маҳсулотлар қаторига киради).

(Давоми 2-бетда)

ҒОЛИБЛАРГА ИМТИЁЗ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида республика олимпиадасининг иккинчи босқич бахслари бўлиб ўтди. Унда асосан инглиз, немис, француз тилларидан техника ва қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ҳамда педагогика институтларининг талабалари иштирок этди. Жами 122 та командага бирлашган 400 га яқин талаба ўз билимини синовдан ўтказди. Тошкент давлат техника университетининг ёшлари шахсий биринчиликда 10 та фандан, жамоалар орасида саккизта фан бўйича пешқадам бўлдилар. Немис тили бўйича Тошкент Кимётехнология институти, информатика фанидан пойтахтдаги электротехника алоқа институти талабалари зафар қучдилар. Совринли ўринларни эгаллаган жамоа ва талабаларга диплом ва мукофотлар топширилди. Мухими, ғолибларга тегишли йўналиш бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида ўқишга имтиёз берилади.

■ Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

«2001 ЙИЛ ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ»

ОИЛАДА ҲИССИЁТ ТАРБИЯСИ

Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир.
Абу Наср ФАРОБИЙ

Президентимиз ўзининг қатор асарларида республикамиз олимлари, айниқса социолог, психолог ва иқтисодчилар олдига оила, оналар ва болалар масаласини ҳар томонлама ўрганиш, унинг маҳаллий шароитлар билан боғланишини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида бойитиш, инсонпарварлик тарбиясига эътиборни кучайтириш масаласини қўйди.

Оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Ота-оналик ва болалик бурчлари» деган бандида ўз аксини топган, 2001 йилда, она ва бола соғлиғи, уларнинг равнақ топиб яшаши учун ғамхўрлик янада кучайди.

Фикримиз исботи сифатида «Соғлом авлод» ёки «Аёллар йили», «Оналар ва болалар» йили деб аталган саналар ер юзидаги бошқа бирор давлатда йўқлигини келтириш мумкин.

Инсон ҳаёти бир маромда кечмайди. У камолга эришгунча қанча-қанча сўқмоқлардан ўтади, турмуш чорраҳаларида гоҳо тўхташга, гоҳо муваффақиятли одим ташлашга тўғри келади. Бахтга эришиш учун унинг пиллапояларига умид билан қадам ташлайди. Ота-она ўз фарзандини пиллапояларидан эсон-омон ўтиб олишига қўшқанот бўладилар. Халқимиз руҳиятида болапарварлик каби яхши хислат бор. Бу хислат миллатимизни дунё халқлари орасида танилишига, ҳавас қилиб тилга олинишига сабабдир.

Халқ педагогикасида фарзандларимизнинг миллий ифтихор, ота-она, ака-ука, сингиллар, қариндошларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор берилган.

Биз ўтказган тажриба синовларда ўспирин ёшдаги йигит-қизларга таъсир этувчи воситаларни саралаб, турли мавзулардаги эртак, ривоят, кичик саҳна асарлари орқали улар дунёқарашини эзгуликка қаратишга эришдик.

Шундай ривоятларнинг бирида ҳикоя қилинишича қадим замонда бир қишлоқда муштипар аёл ўғли билан яшар экан. Она-бола кун бўйи ўт-ўлан ўриб, сотиб, кун кўришаркан. Ўғлининг отаси вафотидан кейин ғамгин юришини кўриб, она эзилар, унинг кўнглини олишга уринарди. Она бир куни ўт-ўлан ичида ўсган бир қамишни кўриб қолибди. Уни кесиб, най ясабди ва чалиб кўрса, ундан ёқимли куй эшитилибди. Севинган она бу найни ўғлига берибди. Ўғли хурсанд бўлиб найни чалиб, ўтлоққа борар, онасининг оғирини енгил қилиб — ўт ўрар уни сотиб, тирикчилик машаққатини ўз зиммасига олган экан.

Бир куни узоқдан бир тўда отлиқлар кўринди. Бола уларга ҳайрон тикилибди. Отлиқлар жулдир кийимли болани кўриб масхара қилишибди ва қўлидаги найни беришни талаб қилишибди.

— Найимни бермайман. Буни менга онам ясаб берганлар, — дебди бола. — Бу най шоҳимизга муносиб, бер буёққа, — дебди қамчисини кўтариб отлиқлар сардори.

— Шоҳингни билмайман, бу най меники, — дебди бола дадил.

— Ҳали шунақами, боғла уни отнинг думига, саройга судра, — дебди жоҳил отлиқ.

Шундай қилиб, гуноҳсиз норасидани саройга судраб кетишибди. Бу воқеани кўрган қишлоқдаги одамлар боланинг онасини хабардор қилишибди. Онаизор изтироб чекиб, сарой томонга югурибди. Не кўз билан кўрсинки ўғли, кўзининг оқу-қораси бўйнида сиртмоқ, ўлим арафасида турибди.

Она додламабди, уввос солмабди. Чунки, бундай қилишдан фойда йўқ. Бу қонхўрлар қўлидан болани соғ-омон қутқариб олиш мумкин эмаслигини уққан она:

— Ўғлим, сен шаҳид кетяпсан. Гуноҳсизсан, булоқ сувидек мусаффосан, дадил бўл, бошингни мағрур тут, кимки ноҳақ бўлса, оллоҳ жазосини берсин! — дебдию, саройдан шиддат билан чиқиб кетибди. Шунда қўшкдан қатл маросимини кузатиб турган шоҳ:

— Тўхтанглар, боланинг бошидан сиртмоқни олинглар, — дебди.

Чунки, шоҳ умрида бундай жасоратли аёлни кўрмаган экан. Бола онасининг донолиги туфайли ўлимдан қутулиб қолибди.

Она бардоши, она меҳрига тенг келадиган нарсанинг ўзи йўқ.

Бола борлиқнинг, табиатнинг ажралмас бир бўлагидир. Болага муносабат унинг тани, вужуди, руҳиятини мувофиқлаштириб турувчи табиий жараёндир. Болаларда ота-онага нисбатан ҳис қилиш қуввати катталардагига қараганда анча кучли. Ҳиссий тарбия Шарқ классик фалсафасининг асоси бўлиб, ота-онага муносабат ана шу ҳиссиётдан бошланади.

Классик файласуфлар жамият тақдири шу жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг «Шахсий омили»га нақадар боғлиқ эканлиги, бу ўринда ота-она, болалар асосий омил эканлигини уқтирганлар. Бу анъаналар, одат ва малакаларнинг тарбиявий аҳамияти каттадир.

Масалан, одат — хусусийлиги, анъана эса умумийлиги билан характерлидир. Хусусийлик умумийликка айлангани сингари одатлар ҳам анъанага айланиши, авлоддан-авлодга ўтиб бориши мумкин. Халқ яхши анъаналар руҳида тарбияланган одамни одобли, аксинча ёмон урф-одатлар руҳида тарбияланганни эса беадаб деб баҳолайди. Бу жараёнда ота-оналар одоб-ахлоқнинг ижобийлигига масъулдирлар.

■ Қумри АБДУЛЛАЕВА, Юнус ЗИЁДОВ

«Чирчиқнон» ҳиссадорлик жамияти аҳолини ун маҳсулотлари билан таъминлашда ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларидан самарали фойдаланишмоқда. Бугунги кунда бу ерда чиқарилган 70 турга яқин ун ва қандолатчилик маҳсулотлари халқимиз дастурхонини безамоқда.

Суратда: (чапдан) ишчи Дилноза Саидова ҳамда қадоқловчи Раъно Акрамовалар иш устида.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ДАРСЛИКЛАР ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

«Ўзбекистон» нашриётининг барча ходимлари жорий йилнинг ўзидаёқ республика мактабларини етарли дарсликлар билан таъминлаш учун имкониятларини ишга солмоқдалар. Хусусан, нашриёт ўзбекча дарсликлар чоп этиш билан бирга қозоқ, рус, қирғиз ва тожик тилларида ҳам китоблар нашр қилишни тезлаштирмоқда.

«Ўзбекистон» нашриётининг тожик бўлими мудири Ҳикмат Ҳикматовнинг айтишига қараганда, аллақачон ўттизга яқин дарсликлар босилиб, мактабларга тарқатилган. Шунингдек, «Меҳнат» нашриёти ҳам дарсликлар чиқаришда кўмаклашмоқда.

■ Фаридун АҲРОРОВ

«УЧАР» «КамАЗ»ЛАР

ёхуд раис Хўжақовдан фуқаролар нега норози?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мана шу масалани ёзишмалардан сўнг ўрганган назорат органи ходимлари ёзган «далолатнома»дан парча келтирамиз: «Хоразм» ширкат хўжалигидан Наманган шаҳар «Камолтекс» хусусий фирмасига юборилган маҳсулотлар ҳужжатларини ўрганганимизда қуйидагилар аниқланди:

1999 йил 30 июнда «Хоразм» ширкат хўжалиги томонидан Наманган шаҳар «Камолтекс» хусусий фирмасига счёт фактура билан 5584125.4 сўмлик вермишель (24185 килограмм), гуруч (24144 килограмм), шакар (3800 килограмм) берилган.

1999 йил 3 май куни Худойберганов Қуронбойга тегишли «КамАЗ» 43101 русумли З 8206 ХЗ давлат белгили автомобилда (тиркамаси билан) 8000 килограмм вермишелни;

...8 май куни Салоев Умидбойга тегишли «КамАЗ» 5320 русумли А 122 ТН 02 рақамли автомобилда (тиркамаси билан) 16 144 килограмм гуруч ва 3800 килограмм шакарни;

...24 апрелда Қ. Худойберганов (юқоридаги машинада) (тиркамаси билан) 12000 килограмм вермишелни;

...14 апрелда Қ. Худойберганов (яна ўша машинада) 8000 килограмм гуруч ва 4185 килограмм вермишелни Наманганга элтишган.

«Камолтекс» хусусий фирмасидан «Хоразм» ширкат хўжалигига олиб келинган аммофос минерал ўғитига тегишли ҳужжатларни ўрганганимизда қуйидагилар аниқланди:

Наманган шаҳар «Камолтекс» хусусий фирмасидан «Хоразм» ширкат хўжалигига Юсупов К. номига 152124 (бир юз эллик икки минг бир юз йигирма тўрт) кг. аммофос ўғити берилган.

...1999 йил 13 апрелда Қ.Худойбергановга тегишли машинада (тиркамаси билан) 22200 килограмм минерал ўғитни;

...1999 йил 21 апрелда яна Қ. Худойберганов машинасида (тиркамаси билан) 22200 килограмм минерал ўғитни;

...1999 йил 6 майда яна Қ.Худойберганов 22800 килограмм ўғитни;

...1999 йил 13 апрелда Салоев Умид «КамАЗ» 5320 русумли машинасида (тиркамаси билан) 22700 килограмм минерал ўғитни;

...1999 йил 15 майда яна Салоев Умид машинасида (тиркамаси билан) 21600 килограмм минерал ўғитни;

...1999 йил 21 апрелда Худойберганов Бозорбойга тегишли «Урал-4320» русумли Ж 05 42 Хз давлат белгили автомашинасида (тиркамаси билан) 20374 килограмм минерал ўғитни;

1999 йил 6 майда яна Б.Худойберганов автомашинасида (тиркамаси билан) 20374 килограмм минерал ўғитни Наманган шаҳридан Хоразмга келтиришган».

Бир қарашда гўё ҳаммаси тўғридек. Аммо, ўринли эътирозлар пайдо бўлади. Яъни, Қ. Худойберганов 13 апрелда Намангандан юкни келтиради ва эртасига Наманганга юк олиб кетади. Қизиқ, бутун бошли юк машинасини яна тиркамаси билан Наманганга — 1500 километрлик масофага олдин қуруқ жўнатишганми? Ҳатто «юк хатлари»да ҳам чалкашликлар мавжуд. Яъни, 13 апрелда юк келтирилган Салоев Умидга 28861 рақамли юк хати берилган. 14 апрелда юк ташиган Қ. Худойберганов қўлида эса 28856 (?) рақамли «юк хати» бўлган.

Аризагўйлар масаланинг бошқа томонига эътиборни қаратишга уринишган. Улар юқорида зикр этилган юк машиналарининг бу қадар кўп юк кўтариши ва уни узоқ масофага олиб бориши... техник жиҳатдан мумкин эмас дейишмоқда. Чунки, аризагўйлардан иккови узоқ йил ҳайдовчилик қилган бўлишса, яна бириси нафақадаги ички ишлар ходими.

«Худойберганов Бозорбой номида 1988 йилда ишлаб чиқарилган «Урал-4320» русумли «бортли-юк» автомашинаси қайд этилган бўлиб 5 тонна юк кўтариш қувватига эга.

Худойберганов Қуронбой номида 1990 йилда ишлаб чиқарилган «КамАЗ-4310» русумли бортли-юк автомашина қайд этилган бўлиб, юк кўтариш қобилияти 6 тонна.

Боғот тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг 9-бўлимида яшовчи фуқаро Салоев Умид номига ДАНБ рўйхатга олиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлимининг рўйхатига асосан ҳозирги пайтгача автомобиль транспорти воситаси қайд этилмаган. (Салоев Умид томонидан Россия Федерациясидан олиб келинган «КамАЗ» русумли автомашина вақтинчалик рўйхатга олинмаган).

Бундан ташқари «КамАЗ» русумли транспорт воситасининг ушбу бортли юк тиркамаларининг юк кўтариш қобилиятлари қуйидагича:

— ГКБ-8527 русумли тиркаманинг юк кўтариш қобилияти 7 тонна;

— ГКБ-8350 русумли тиркамасининг юк кўтариш қобилияти 8 тонна;

— ГКБ-8352 русумли тиркамасининг юк кўтариш қобилияти 10 тонна.

Фуқаро Худойберганов Қуронбой ва Худойберганов Бозорбойлар номига ДАНБ РИБ рўйхатига асосан тиркама ёки ярим тиркамалар рўйхатга олинмаган.

Вилоят ИИБ ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Э. Рўзметов».

Ана шу «маълумотнома»дан сўнг баъзи нарсалар ойдинлашади. Аризагўйлар беҳуда даъво қилишмаяпти, деган фикрга борасан. Чунки, биринчидан, бошқа бировнинг тиркамасини олиб юк юклаганида ҳам «КамАЗ» машиналари нари борса ўн олти тонна юк кўтариш қобилиятига эга экан. Улар салкам 23 тонна юкни узоқ масофадан қандай олиб келишганига қойил қоласан. Иккинчидан, рўйхатга олинмаган, Россия Федерацияга тегишли бўлган юк машинаси қандай қилиб мамлакатимизнинг у бошидан бу бошига юк билан бемалол «сайр» қилиб юрди экан? Учинчидан, ҳайдовчилар ортиқча «ҳақ олиш учун» юкни белгиланганидан кўпроқ ортишди ҳам дейлик. Аммо, олдинда Наманган вилоятига бориладиган йўл — «Қамчиқ» довони турибдику?!

Биз фуқароларнинг аризасини ўрганиш жараёнида улар даъво қилаётган важлар қай даражада ҳақ-ноҳақлигини аниқлаш мақсадида Хоразм, Тошкент ва Наманган вилоятлари ИИБ ДАН бошқармаларига сўровномалар билан мурожаат қилиб, айнан шу русумли, шу давлат белгили юк машиналарининг кўрсатилган муддатларда йўлларда ҳаракатлангани ростлиги билан қизиқдик. Хоразмни республикамизнинг бошқа вилоятлари билан боғловчи ягона автомобиль йўли «Саримой» ДАН постидан ўтади. Аммо, вилоят ДАН бошқармасида бу ДАН постидан юқоридаги юк машиналари айнан шу саналарда ўтмагани — рўйхатга олинмагани қайд қилинган. Худди шу мазмундаги жавобларни Тошкент ва Наманган вилоят ДАН бошқармалари ҳам жўнатишган. Яна бир эътиборли жиҳати — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 1999 йилда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг довон қисми орқали автобус, кичик автобус ва тиркамали (!) юк автомобилларининг ҳаракатланиши таъқиқланган экан. Хўш, шундай экан, раис Хўжақов бу юкларни автомашиналарда тиркамаси билан довондан қандай олиб ўтди экан?

Раис билан суҳбатимизда масаланинг ана шу томонини эслатгандик, у: «Мен юкни жўнатдим, қандай олиб ўтиш бу шофёрларнинг иши. Балки ДАН постлари билан «тил топишгандир» деди.

Умуман, юқоридаги юклар ҳақиқатдан ҳам Наманганга олиб борилганмикин ва Намангандан минерал ўғит келтирилганми? Агарда хўжаликка минерал ўғит жуда зарур бўлса юк машиналарига ортиқча ҳақ тўлаб, бир ярим минг километр йўл босиб, довон ошиб юрмасдан, яқиндан — атиги 650 километр масофадаги Навоий шаҳридан — минерал ўғит масканидан келтириш мумкин эди-ку! Шакар, гуруч ва вермишелдек маҳсулотларга эса яқин вилоятларда ҳам харидор топиш мумкин.

■ Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири



ТОВОН УЧУН МИЛЛИОН ДОЛЛАР

АҚШ конгресси вакиллари Хитойнинг бир миллион доллар товон тўлаш ҳақидаги талабига ўз норозиликларини билдирдишди.



Гап шундаки, шу йилнинг апрель ойида ҳаводаги тўқнашув туфайли АҚШнинг «ЕР—3» жосус самолёти Хитойнинг Хайнан оролига мажбуран қўндирилганди. АҚШ ҳукумати ушбу жосус самолётини олиб кетиш дастурини ишлаб чиққан, ҳатто Россиянинг «Полёт» авиакомпаниясига қарашли «АН-124 РУСЛАН» самолётида олиб кетишга келишиб қўйганди. Бироқ, самолёт ҳалигача Хитойда ушланиб турилибди.

Хитой ҳукумати самолётнинг 24 экипажини 11 кун ушлаб турганлиги ҳамда тўрт ой мобайнида сақлаб келаётган самолёт парчаларини ташиш-ортиш харажатлари учун бир миллион доллар миқдорида товон талаб қилган эди.

АҚШ Мудофаа вазирлиги вакиллари эса товон тўлашга тайёр эканликларини билдирган бўлсалар-да, миллион доллар бироз кўплик қилишини айтмоқда.

АҚШ ҲАРБИЙСИ ЯПОН СУДИДА

Япония прокуратураси америкалик ҳарбий Тимоти Вудлэндга расман айблов эълон қилди.

24 ёшли Тимоти Окинава оролида яшовчи япон қизининг номусига тегишда гумон қилиниб тергов бошланган эди. АҚШ ҳукумати Тимотини оқлаш бўйича Японияга мурожаат қилган, унга жавобан эса Япония прокуратураси жиноят изларини аниқлаш учун 23 июлгача вақт олган эди. Прокуратура қўлга киритган далилий ашёлар айбловни муддатидан олдин чиқаришга сабаб бўлди.

ФАЗОГА САЙЁҲАТ 6 ЙИЛГА ТЎХТАТИЛДИ

Куни кеча Россия Космик агентлиги раҳбари Юрий Коптев Халқаро Космик Станция (ХКС) лойиҳаси аъзолари бўлган беш космик агентлик вакиллари иштирок этган йиғилишда Станция яқин олти йил орасида фазога сайёҳларни қабул қила олмаслигини эълон қилди.



Коптевнинг маълум қилишича, гарчи ХКСда бўлишни хоҳлаб бир неча фуқаро мурожаат қилган бўлса-да, 2006 йилгача, яъни станция тўлиқ қуриб битказилмагунга қадар сайёҳлар қабул қилиш тўхтатилади.

ХКС лойиҳасига аъзо давлатларнинг бу қарорга келиши осон кечмади. Чунки, сайёҳлардан тушадиган маблағлар станция қурилишида қисман бўлсада енгиллик яратган бўлар эди. Ахир, шу йилнинг апрелида фазонинг илк эркин сайёҳатчиси калифорниялик миллионер Дэннис Тито 20 миллион доллар тўлади-да.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, омма орасида фазога сайёҳатни ташкил этишни қўллаб-қувватловчилар сони кун сайин ошиб бормоқда. Шундай таклиф билан «Ойнинг иккинчи одами» америкалик фазогир Эдвин Олдрин ҳам АҚШ Конгрессига мурожаат қилган.

ТОЛИБОНЛАР ИНТЕРНЕТНИ ТАҚИҚЛАШДИ

«Фронтиер пост» газетасининг хабар беришича, Афғонистоннинг фақатгина иккита вазирлиги — Маълумотлар ва Ташқи ишлар ҳамда ҳукуматнинг Бахтар янгиликлар агентлигида Интернет тармоғи мавжуд эди.



Толибонлар томонидан ўрта аср қонун-қоидалари мажбурий сингдирилаётган мамлакатнинг ички ҳаётидан маълумот берувчи бундай манбалар ҳам тўсиққа учрамоқда. Эндиликда Афғонистон ҳудудида ҳаттоки электрон почтадан фойдаланиш ҳам тақиқланади. Бу ҳаракатни толибонлар аҳолини «секин-аста таъсир ўтказадиган шайтоний ғарб»дан ажратиш, дея изоҳламоқдалар.

Мулла Умарнинг қарорида айтилишича, давлат хизматчилари қора салла ўраб юришлари мажбурий экан. Бундан ташқари, улар ҳар бир ҳужжатни қора сиёҳ билан ёзишлари шарт. Толибонларнинг мамлакатда ўрнатган тартибларидан яна бири барча олий ўқув юртларидаги ўқитувчилар ва талабаларга қора салла ўраб юриш жорий қилинганди. Салла ўрамаган талабалар дарсларга қўйилмасди ёки олийгоҳдан четлаштириларди. Умуман, Афғонистонда мамлакатни исломлаштириш катта куч эвазига амалга оширилмоқда. Шу йилда давлат девонида, армия ва полицияда ёппасиға тозалаш ишлари олиб борилди. Кўплаб хизматчилар ўз лавозимларидан четлаштирилиб, уларнинг ўринларига мадрасани тугатган ҳақиқий дин пешволари тайинланди.

■ Гулмира ТУРСУНОВА тайёрлади

DUSHANBA 23

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Биби Убайда».
9.00, 12.25 ТВ метео.
9.05 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм.
11.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.50, 12.55 ТВ анонс.
12.05 «Футбол олами».
12.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Оталар чойхонаси».
14.10 ТВ-1 намойиш этади:
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 Кундузги сеанс. «Икки дил достони». Бадиий фильм.
16.10 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
16.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 Ўз ТВ хазинасидан. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 ТВ клип.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
22.05 «Маънавият» дастури.
23.00 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 13-қисм.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

ЎЗБЕКИСТОН ТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
10.20 «Мульттомоша».
10.50, 13.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.40 «Ўзбекистон жавоҳирлари». Телефильм.
11.50 «Нажот истаб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.35 «Давр»-news.
14.05 Жаҳон жуғрофияси.
14.55 Автосалтанат.
15.10 Дастҳат.
15.30 Ёзги таътил экрани. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.55 Саломатлик сирлари.
16.15 «Заковат» интеллектуал ўйини.
17.15 Спорт ҳафтаномаси.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» почтаси.
18.55 «Мульттомоша».
18.10 «Ватан мадҳи».
18.20 Остонадаги орзулар.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Муҳаббат қўшиқлари.
19.45 Тафаккур ёлқинлари.
20.00 Олтин мерос.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Дон Кихот». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

ТВ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мусиқий меҳмонхона.
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t˚ 36, 6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим.

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 «Фавқулодда чақирув».
17.55 «Аншлаг билан таътилда».
18.50 «Клип-антракт».
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Чангалзорлар қонуни». Ҳужжатли фильм.
21.35 Махфий ҳужжатлар «Х-fail».
22.30 «Бизнес-ревю».
22.35 «Клип-антракт».
22.45 «Тв-4да Немис тўлқини».
23.05 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 КАНАЛ

Соат 16.55 га қадар профилактика.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00, 20.10 «Телеҳамкор».Фойдали газета. Метеохабар.
17.30 «Фантастик тўртлик». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» киноокшоми. «Британиз». Детектив.
20.05 «Ошиқона».Мусиқий дастур.
20.35 «Ўзбекистон гўзали — 2001» танловининг кундалиги.
20.40 «Клип-совға».Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» киноокшоми. «Детектив Нэш Бриджес». Детектив.
23.15 «30-канал» юмор кечаси. «Яширин камера билан». Ҳажвий сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — бир йил.
Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05.

SESHANBA 24

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Тараққиёт».
9.25, 12.30 ТВ метео.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Афросиёб».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
10.25 «Кулол ва ҳумча». Бадиий фильм.
11.40 «Рақслар гулдастаси».
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.35 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 13-қисм.
13.00, 13.55 ТВ-анонс.
13.10 «Мусиқа: кеча ва бугун».
13.30 «Яккама - якка жанг». Спорт дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадиий фильм.
15.30 ТВ клип.
15.40 «Маънавият» дастури. -
16.30 «Аския кечаси».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Орзулар довони».
18.20 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.40 Эстрада тароналари.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Буюк аждодларимиз». Ибн Сино.
22.20 «Ҳамроҳ». Теленовелла.
22.55 «Ахборот».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 Саломат бўлинг.
10.20 «Индаба». Телесериал.
10.45 Кинотақдим.
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 Кўҳна оҳанглар.
13.55 «Дон Кихот». Бадиий фильм 1-қисм.
14.40 Остонадаги орзулар.
15.00 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.05 Ёшлар қуйлайди.
16.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 98-қисм.
17.00 Азизим.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.50 «Мульттомоша».
18.05 Таянч.
18.20 Олтин мерос.
18.25 Ватан манзаралари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 Ёшлик қўшиқлари.
20.05 Марди майдон.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Дон Кихот». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
00.20-00.25 Хайрли тун.

ТВ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Ҳуқуқимиз кафолати».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t˚ 36, 6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим.

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
